ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ШАХРИ
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ
« PROFI AUDIT »
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT SHAXRI
MAS`ULIYATI CHEKLANGAN
JAMIYAT SHAKLIDAGI
« PROFI AUDIT »
AUDITORLIK TASHKILOTI

ЎзР. ТИФ Миллий банкининг Тошкент шаҳар бош бошқармасидаги хр 2020 8000 1041 5607 8001, МФО 00451. Тошкент шахри,
Беруний- Матлубот кўчаси, 1 уй, 74 хонадон. ИНН: 203791465, ОКОНХ : 84400. тел: 8371 242-94-75, + 99893 785-40-85, +99890 351-45-85

12.05.2016 й

**«Суфиқишлоқ» ПТАЖ нинг таъсисчиларига**

**«Суфиқишлоқ» ПТАЖ МЧЖ нинг 2015 йил учун тузилган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказиш натижаларига кўра**

**АУДИТОР ХУЛОСАСИ**

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2009 йилнинг 19 июнида берилган ва 27.06.2014 йил санасида янгиланган 00392 -сонли лицензияси эгаси- масъулияти чекланган жамият шаклидаги **«PROFI AUDIT» аудиторлик ташкилоти** томонидан **«Суфиқишлоқ» ПТАЖ** нинг 2015 йил учун тузган молиявий ҳисоботи жамият билан 2015 йилнинг 15 де-кабрь санасида расмийлаштирилган 52-сонли шартномага асосан 2016 йилнинг 25 апрелидан 12-майига қадар бўлган давр мобайнида аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Аудиторлик ташкилотининг Тошкент шахар, ЎР ТИФ Миллий банкининг Тошкент шаҳар бош бошқармасидаги ҳисоб рақами- 2020 8000 1041 5607 8001, банк коди 00451.

Манзили: Тошкент шахри, Беруний-Матлубот кўчаси, 1 уй, 74-хонадон.

Аудиторлик ташкилоти рахбари : и.ф.н,доцент, САР,СПБ Муйдинов Э.Д

Текширув **«Суфиқишлоқ» ПТАЖ** га нисбатан мустақил ҳисобланган аудитор Раджибаев Ф.П ( сертификат № 05285 ) ва аудитор ёрдамчиси Маматхонов М.З. томонидан амалга оширилди.

Аудиторлик текширувидан ўтказиладиган молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва хақ-қонийлиги учун хўжалик юритувчи субъектнинг рахбарияти жавобгар ҳисобланади.

Аудиторлик ташкилоти мазкур молиявий ҳисобот бўйича ўз хулосаси учун жавоб беради.

Биз аудиторлик текширувини АФМАларига мувофик ўтказдик. Ушбу андозалар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини тақозо этади. Аудиторлик текшируви хаққонийликни ва молиявий хисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун хужжатларига, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятининг хақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади.

Биз томонимиздан ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Аудиторлик текширувида, 2015 йил якунлари бўйича корхонада ўтказилган хужжатли текширув натижаларига кўра моддий жавобгар шахслар томонидан етказилган камомад аниқланган ва бунинг оқибатида ҚҚС, фойда солиғи, инфратузулма солиғи ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган ажратмалар суммаларида фарқ юзага келган.

Ушбу ўзгаришлар асосида **«Суфиқишлоқ» ПТАЖ** 2015 йил учун қайта тузилган ва аудитор ҳисоботига илова қилинган молиявий хисоботи унинг молиявий холатини хаққоний акс эттиради.

**МЧЖШ «PROFI AUDIT»**
**аудиторлик ташкилоти директори** **Муйдинов Э.Д**

**Аудитор** **Раджибаев Ф.П**